



UDK: 811.512.133.1:811.113.1(575.1)

Навбахор КУЛДАШОВА,

Бухоро давлат университети таянч докторанти

E-mail: navbaxorkuldashova@mail.ru

MODERN LINGUISTICS AND TERMINOLOGY

Abstract

This article will provide an overview of modern linguistics and terminology and provide information on various theoretical perspectives and leading concepts in modern linguistic fields, as well as on the analysis of valence units in cognitive linguistics. Under the influence of linguistic and non-linguistic factors, various terminological systems and a new terminology system are rapidly developing. Such a process is, firstly, deliberate (the correct expression of terms), and secondly, in some cases, spontaneously presents various uncertainties in the interpretation of concepts. Occasionally, one or another term may have a completely new meaning in different spheres of human activity. This does not preclude the effective use of terms in consumption. This takes place at the beginning, at an early stage in the formation of terms. As a result, the task of regulating and standardizing terms, terminological systems, and others will be solved. This requires the large-scale creation of automated information retrieval systems. As a result, it is necessary to bring terminological systems into a focused, motivated and professionally formed form. Such work can be carried out only through the formation of meaning and structure of terms, an in-depth study of the laws governing the formation of terminological systems. This process is a large and complex task, and its development is important both from a linguistic and universal point of view. Because, according to V.V. Vinogradova, in the field of terminology there is a clear connection between the material and spiritual culture of people in the development of the language and its lexical system.

Key words: *terminology, term, concept, frame, cross, gender, cognition, prototype, categorization, conceptualization.*

СОВРЕМЕННАЯ ЛИНГВИСТИКА И ТЕРМИНОЛОГИЯ

Аннотация

В этой статье будет представлен обзор современной лингвистики и терминологии и предоставится информация о различных теоретических перспективах и ведущих концепциях в современных лингвистических областях, а также об анализе валентных единиц в когнитивной лингвистике. Под влиянием лингвистических и нелингвистических факторов быстро развиваются различные терминологические системы и новая система терминологии. Такой процесс, во-первых, осознанный (правильное выражение терминов), а во-вторых, в некоторых случаях самопроизвольно представляет различные неопределенности в интерпретации понятий. Изредка тот или иной термин может иметь совершенно новое значение в разных сферах человеческой деятельности. Это не исключает эффективного использования терминов в потреблении. Это имеет место в начале, на ранней стадии формирования терминов. В результате будет решена задача регулирования и стандартизации терминов, терминологических систем и других. Это требует широкомасштабного создания автоматизированных информационно-поисковых систем. В результате необходимо привести терминологические системы в целенаправленную, мотивированную и профессионально сформированную форму. Такая работа может быть осуществлена только путем формирования смысла и структуры терминов, углубленного изучения закономерностей формирования терминологических систем. Этот процесс является большой и сложной задачей, и его развитие важно как с лингвистической, так и с универсальной точки зрения. Потому что, по словам В.В. Виноградова, в области терминологии существует четкая связь между материальной и духовной культурой людей в развитии языка и его лексической системой.

Ключевые слова: *терминология, термин, концепция, фрейм, кросс, гендер, когниция, прототип, категоризация, концептуализация.*

ЗАМОНАВИЙ ЛИНГВИСТИКА ВА ТЕРМИНОЛОГИЯ

Аннотация

Мазкур мақолада замонавий тилишунослик ва терминология ҳақида фикр юритилади. Замонавий лингвистик йўналишларидаги турли назарий қарашлар ва етакчи концепциялар тўғрисида, шунингдек, когнитив тилишунослик ва лисоний бирликларни таҳлил қилиш ҳақида маълумотлар берилади. Ҳозирги пайтда лисоний ва нолисоний омиллар таъсирида хилма-хил терминологик тизимлар ҳамда янгидан-янги терминлар тизими жадал суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Бундай жараён, биринчидан, онгли (терминларнинг тушунчаларни тўғри ифодалаётганлиги), иккинчидан, баъзи ҳолатларда стихияли тарзда

кечмоқдаки, кейинги ҳолат тушунчаларни англатишда турли хил ноаниқликларни келтириб чиқармоқда. Баъзан у ёки бу термин инсон фаолиятининг турли соҳаларида бутунлай янги маъно касб этиши мумкин. Бундай ҳолат истеъмоладан доирасида терминларнинг самарали қўлланишини инкор этмайди, албатта. Чунки айни шундай ҳолат терминлар шаклланишининг дастлабки, илк босқичида рўй беради. Натижада терминларни, терминологик тизимларни тартибга келтириши ҳамда уларни стандартлаштиришдан иборат вазифалар қўндаланг бўлади. Бу автоматлаштирилган инфорацион-қидирув тизимларининг кенг қўламда яратилишини тақозо этади. Натижада терминологик тизимларни мақсадга йўналтирилган, мотивлаштирилган ва малакали шакллантирилган ҳолатга келтириши зарурати туғилади. Бундай ишлар эса фақат терминлар маънолари ва тузилишини шакллантириши, терминологик тизимлар ташкил топишининг қонуниятларини теран ва атрофлича тадқиқ этиши йўли билан амалга оширилиши мумкин. Бу жараён катта ва мураккаб вазифа ҳисобланадики, уни ишлаб чиқиши ҳам лисоний, ҳам умумбилиши нуқтаи назаридан муҳим аҳамият касб этади. Чунки академик В.В.Виноградовнинг таъкидлашича, терминология соҳасида тилнинг тараққиётида, унинг лексик тизимида халқнинг моддий ва руҳий маданияти билан боғлиқлик яққол кўзга ташланади.

Калит сўзлар: терминология, термин, концепция, фрейм, кросс, гендер, когниция, прототип, категоризация, концептуализация.

Маълумки, тил орқали инсон борлиқ ва воқелик ҳақидаги ахборотни қабул қилади, тўплайди, қайта ишлайди, тартибга солади ва идрок этади. Тил орқали инсон бошқа миллат вакиллари билан мулоқот қилади ва ўзга маданиятни ўрганади, тил нафақат мулоқот қуроли балки фикрни шакллантирувчи ва маданиятни ифода қилувчи восита ролини ўйнайди.

Тилшуносликда тил ва тафаккур, тил ва маданият, тил ва нутқ, тил ва маданиятлараро мулоқот муносабатлари муҳим аҳамият касб этади. Қолаверса, тилшунос Дж.Лакофф, М.Джонсон, В.фон Гумбольдт, Б. Уорф, Э.Сепир, А.А. Потебня, Леви-Стросс, Ф.И. Буслаев, Ю.С. Степанов, Н.Д.Арутюнова, В.Н. Телия, В.В. Воробьев Дж. Осгин, Дж.Серль, Дж. Лич, Г. Грайс, Д.Ашурова, А. Абдуазизов, А.Маматов, Ў.Юсупов, Ш.Сафаров каби қатор олимларнинг назариялари катта аҳамиятга молик.

“Инсон онги тобора ривожланиб борар экан, унинг дунёқараши, фикри, нуқтаи назари ҳам такомиллашиб, кенгайиб бораверади. Ҳар бир фанда ривожланиш бўлгани каби тилшунослик ҳам кундан-кунга тараққий топиб, турли янги оқимлар, йўналишлар, янги илмий-назарий қарашларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлмоқда” [1].

Бунинг натижасида эса тилшуносликнинг янги турлари пайдо бўлди: психоллингвистика, социоллингвистика, этнолингвистика, менталлингвистика, нейролингвистика, когнитив лингвистика ва х.з. Когнитив тилшунослик когнитология асосида вужудга келди. У тилнинг когнитив аспекти билан кизиқади. Маълумки, когниция оламни билишда инсон билимларининг онгда пайдо бўлиш ва бойиб бориш жараёни экан, билимларни ўзгартириш эса бевосита ёки билвосита лисон билан алоқада бўлади, боғланади.

Когнитив тилшунослик эса чоғиштирма тилшуносликнинг вазифаларини кенгайтиради ва қуйидаги вазифаларни қўяди :

1) икки тилдаги концептлар ва уларнинг ифодаланишини қиёслаш;

2) қиёсланаётган тиллар бўйича оламнинг лисоний манзараларини қиёслаш;

3) икки миллатдаги нутқий онгни қиёслаш; 4) икки тилдаги бирликларнинг маданиятни акс эттириши билан боғлиқ хусусиятларини очиб бериш” [2].

“Когнитологияда фрейм, концепт, сценарий, скрипт, гештальт, прототип, категория каби тушунчалар инсоннинг ташқи оламни идрок этиш амалиёти ва тажрибасини акс эттирувчи билим тузилмаларини англатади ҳамда мазкур тушунчалар модаллик тушунчаси билан ўзаро уйғун боғланиб, кенг қўлланади [3]. “Концепт билан тушунчани айсбергга ўхшатиш мумкин. Агар концепт айсберг бўлса, унинг сувдан чиқиб турган қисми тушунчадир” [4].

“Концепт – бу ҳам сўз, ҳам тушунча орасидаги боғлиқлик, идрок этилаётган предмет-ходисалар ҳақида тушунчанинг пайдо бўлиши ва шаклланиши, нутқда миллий-маданий мулоқотни таъминловчи, халқаро хусусиятга эга, ўта мавҳум тафаккур доирасига кириб, билимлар мажмуасини, яъни инсон онгидаги ментал лексиконни, концептуал тизимни ва тил фаолиятини ифодаловчи кенг камровли категориядир” [5]. “Frame” (фрейм) – инглизча сўздан олинган бўлиб, “каркас” ёки “рамка” деган маъноларни англатади [6]. “Фрейм – концептнинг негизини ташкил қилади ва айрим фреймлар тугма(табий) ҳисобланади. Концептларни тушунишни таъминлайдиган когнитив структуралар” [7]. Т.А.ван Дейк таъбирига кўра: “Фреймлар – концептуал фреймлар” ёки “сценарийлар” ҳисобланади [8]. “Фрейм – бу турли хил ахборот ва ситуацияларни универсал система тарзида баён қилувчи, когнитив структур гиплари асосида стандарт билимлар мажмуини ҳар хил моделлар ва ҳар хил тил бирликлари ёрдамида ифода этувчи, кўп компонентли концептдир. Фреймлар тўғридан-тўғри нутқнинг мулоқот жараёнида иштирок этади ва экстралингвистик билимлар дунёсини ўзида акс эттиради. У инсон онгида маълумотларни сақлаш йўлидир. Фреймлар инсоннинг умри давомида йиққан ижтимоий-маданий маълумотларига асосланади” [9]. Гештальт – немисча «gestalt» (образ, структура, яхлит шакл) сўзидан олинган бўлиб, у руҳий тузилмалар образларининг ўзига хос

яхлитлигини таъминловчи белги ва хусусиятлар умумлашмасини англатади ва х.к.

Равшанки, замонавий тилшуносликнинг тури бўлган когнитив тилшунослик тил ва тафаккур, тил ва онг, тил ва маданият, тил ва нутқ ўзаро муносабатларини, инсоннинг тилда намоён бўлувчи когнитив фаолиятини ҳар тарафлама ўргатишни назарда тутаяди, шунингдек, борлик, дунё ва воқеликни билиш ва уни тил орқали онгли идрок этишга имкон беради, тилшуносликда қўлга киритилган ютуқлар, ундаги тушунчалар ва терминлар, концепциялар ва назариялар коммуникатив тилшунослик, лингвопрагматика, психолингвистика, гендер тилшунослик, нейролингвистика, маданиятлараро мулоқот, лингвомаданиятшунослик каби тилшуносликнинг замонавий йўналишларида илмий изланишлар олиб боришга замин яратади.

Тарихда маълумки, дунёдаги ҳар бир миллат ҳам ақлий руҳий қиёфаси яъни миллий менталитети ўзига хос тарихий, этник табиий-иклимий шарт-шароитлар доирасида шаклланиб бонс, жамиятда содир бўлаётган ижтимоий-сиёсий ҳодисалар, тарихий жараёнларга бўлган муносабати ҳам турли бўлиши шубҳасиз. Зеро, миллий ўзига хосликлар узок; тарихий даврдаги ижтимоий – иқтисодий, сиёсий жараёнлар, табиий географик ўрнашув, ўзаро этномаданий алоқалар, диний мансубликлар асосида қарор топади ва айнан мана шулар ҳамда халқнинг руҳийпсихологик қарашлари негизида қадимий анъаналар, урф-одатлар ва маросимлар шаклланади.

Замонавий лингвистика замонавий лингвистик йўналишларидаги турли назарий қарашлар ва етакчи концепциялар тўғрисида тасаввурга эга бўлишни тақозо этади:

1) замонавий лингвистик йўналишларининг терминологик аппарати, қонуниятлари ва асосий тушунчалари, асосий тамойиллари ва уларнинг хусусиятлари;

2) маданий бирликлар ва уларнинг турлари, нутқий акт, концепт ва унинг турлари, фрейм назарияси ва унинг тахлили;

3) билим тузилмалари, ахборот, категоризация, концептуализация, когниция, прототип, концептуал ва лисоний дунё тасвири;

4) когнитив метафора, унинг турлари ва вербаллашув хусусиятлари; прагматикадаги кооперация тамойили, нутқий акт турлари, прагматик вазифалар, коммуникатив-прагматик ходиса, хушмуомалалик тамойили, нутқий актнинг семантик-прагматик хусусиятлари ва х.к.

Замонавий лингвистика лисоний материал билан ишлаш, муайян назарий масалаларга оид фикрларни баён этиши, айна фикрларга нисбатан танқидий муносабатини шакллантириш ва ифодалаш; лисоний бирликларни тахлил қилиш методларини – кросс-маданий тахлил, концептуал тахлил, лингвопрагматик тахлил, фрейм тахлиллар қила билиш ва уларни амалиётда қўллаш, тил бирликлари когнитив ва маданий тахлилини турли структурал генератив, семантик каби ёндашувлардан фарқли жихатларини қиёсий тахлил

қилиш, тил бирликларда акс эттирилган миллий дунё тасвирини ифода этувчи миллий-маданий бўёқдор лисоний бирликларни ажрата олиш, илмий тадқиқот жараёнида долзарб масалаларни аниқлай олиши ва тил бирликларини тахлил қилишда уларнинг ечимини топа олиш демакдир.

Лингвомаданият – замонавий тилшуносликнинг йўналишларидан бири бўлиб, тилшунослик ва маданиятшуносликнинг туташган қисмини ўрганадиган соҳа ҳисобланади.

Тил менталитет, анъана ва одатларни ҳамда ўзига хос оламни тушуниш усулини айнан тил орқали қабул қиладиган инсонни шакллантирувчи қуролдир.

“Термин” грекча “terminos” сўзидан олинган бўлиб, чек, чегара маъноларини билдиради. Терминлар йигиндиси ҳамда ана шу терминларни ўрганувчи соҳа эса “терминология” дейилади.

Сўз кўп маънога, яъни қўшимча маъноларга эга бўлади, лекин термин бундай хусусиятга эга эмас, у ҳам сўз, аммо у одатдаги сўзлардан маъносининг аниқлиги, бир маънолилиги билан фарқланади, шунингдек, термин маълум соҳада, шу соҳа вакиллари нутқида қўлланилади.

Масалан: концепт, фрейм, модус, диктум, геишталт, прототип, сценарий, концепция, кросс, гендер, когниция, категоризация, концептуализация ва х.к. каби терминлар тилшуносликнинг тармоқларида учрайди. Бироқ ҳар қандай лексик тушунчаларни ифодалаш учун терминлар олдига маълум талаблар ва меъёрлар қўйилади. Бу эса албатта, терминнинг моҳияти ва табиатидан келиб чиқади.

Кейинги йилларда термин сўзи ўрнига атама сўзи қўлланыпти. Бундай қўллаш хато ҳисобланади. Чунки атама сўзининг маъноси термин сўзининг маъносига нисбатан кенг бўлиб, у барча нарсаларнинг номи сифатида тушунилади, термин эса муайян бир соҳада қўлланивчи расмийлашган сўздир.

Термин номинатив вазифани бажаради. Терминнинг маъноси адабий тил меъёрлари доирасида тушунчага тенг бўлади. Чунки бир терминологик тизимда термин бир маъноли (моносемантик) бўлгани учун унинг маъноси тушунчага тенг келади. Яъни терминлар бир маънони ифодаловчи махсус расмий сўзлардир. Кўп маъноли биргина сўз эса бир неча тушунчани ифодалайди. Масалан, *бош – киши аъзоси; бош – сўз боши; қўз – киши аъзоси, қўз – ёғочдаги белги* каби тушунчаларни англатади.

“Термин аниқ, конкрет тушунчаларни билдириб, хис-хаяжон маъноларидан холи бўлади. Маълумки, сўзнинг маъноси мураккаб бўлиб, унда тушунча қўшимча маъно ва услубий белгиларга эга бўлади. Шу боис тилда бир тушунчани англатадиган синонимлар турли маъно кирралари ёки услубий қўлланилиши билан бир-бирларидан фарқ қилади. Масалан, *юз, бет, турқ, афт, башара, чехра, жамол, ёноқ, рухсор, ораз* сўзлари бир умумий тушунчани билдириб, синонимлар ҳисобланса-да,

бирок турли маъно кирраларига кўра бир-бирдан фаркланади. Бир сўз бир неча соҳанинг термини бўлиши мумкин. Лекин бундай сўзлар фаннинг хар бир соҳасида алоҳида тушунчаларнинг номи бўлиб келади”[10].

Айтиш лозимки, терминларнинг яна бир ўзига хос белгиси шуки, терминлар расмийлашган сўзлар бўлганлиги сабабли республика миқёсида, хатто дунё миқёсида бир тушунчани англатади. Халқаро терминлар фикримизга мисол бўла олади: *президент, парламент, такси, демократия, республика, депутат, конституция* ва х.к. Бундай терминлар ер юзининг барча китъаларида бир хил маънода қўлланилади.

Шунингдек, терминлар муайян бир соҳага тегишли бўлиб, муайян мутахассислар томонидан махсус қабул қилинган, расмийлашган сўзлардир. Шунинг учун бир тушунчани ифодаловчи терминни

бошқа бир сўз билан алмаштириб бўлмайди. Термин соҳа терминлари тизимининг бир элементи бўлиб, хар доим бир тизим доирасида қўлланилади.

Хуллас, замонавий тилшуносликда етакчи ўринда тилни англаш эмас, балки тил, маданият ва шахснинг ўзаро муносабатларини ўрганиш такозо этилади, бир-бирини тушуниш муаммоси ўртага тушади. Кўрсатилган учликнинг бир-бири билан бўлган ўзаро муносабатлари тилшунослик маданияти (лингвокультурология) соҳасида тилнинг миллий-маданий ўзига хослигини ўрганишда алоҳида муҳим жихатни касб этади. Шунингдек, юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, “термин тушунчасини атама тушунчасининг ичига кирувчи илмий ва расмий маънога эга лугавий бирлик деб номлаш ўринли ҳисобланади” деб айтиш мумкин.

АДАБИЁТЛАР

1. Жўраева М.М. Француз ва ўзбек тилларида модаллик категориясининг лингвокогнитив, миллий-маданий хусусиятлари. 2017. – Б.48
2. Юсупов У.К. Теоретические основы сопоставительной лингвистики. –Т.: Фан, 2007. – С.123
3. Жўраева М.М. Француз ва ўзбек тилларида модаллик категориясининг лингвокогнитив, миллий-маданий хусусиятлари. 2017. – Б.19
4. Юсупов Ў.Қ. Маъно, тушунча, концепт ва лингвокультурема атамалари хусусида. Стилистика тилшуносликнинг замонавий йўналишларида. Республика илмий-амалий конференцияси мақолалари тўплами. –Т.: ЎзДЖТУ, 2011. – Б.52–53.
5. Жўраева М.М. Француз ва ўзбек тилларида модаллик категориясининг лингвокогнитив, миллий-маданий хусусиятлари. 2017. – Б.84
6. Минский М. Фреймы для представления знаний. М.:1979.
7. Филлмор Ч. Фреймы семантика понимания. Новое в зарубежной лингвистике: Когнитивные аспекты языка. 1988.
8. Дейк Т.А. Язык. Познание. Коммуникация. – М.: Прогресс, 1989.
9. Жўраева М.М. Француз ва ўзбек тилларида модаллик категориясининг лингвокогнитив, миллий-маданий хусусиятлари. 2017. – Б.61
10. Жуманиёзов Р. Нуткий маҳорат. – Т.: Адолат, 2005.